# ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

«Саломатликка посбон тиб вазифаси бешак».



«Здоровье сохранить – задача медицины».

*Абу Али Ибн Сино.*

Газета 1995 йил октябр ойидан чиқа бошлаган. № 3 (259) 22 – 28 январ 2002 йил. Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.


# ҲАМШИРАЛИК — МЕҲРИБОНЛИК, ҒАМХЎРЛИК ТИМСОЛИДИР



*Шоир айтганидек:*

*Бемор табассуми — бу айни сенсан,*
*Шифонинг тилсими — бу айни сенсан,*
*Не тилсимким, билмам қалбинг тилсими,*
*Балки айни ўзинг — қалблар гулсуми!*
*Сенсан бир мўъжиза — ҳаётни улаб,*
*Эркалайсан майин, меҳрингни сарфлаб,*
*Балким ойдирсан, магар ой ҳам хира*
*Сен юлдузлар кўрки — куёш ҳамшира!*

**Муҳаррир минбари**

## НИЯТИ ПОК ИНСОНСИЗ

**Ҳамшира – бу жарангдор сўзнинг замирида қанчалик маъно борлиги ҳеч биримизга сир бўлмаса керак. Бу атамадаги ҳар бир ҳарфнинг мазмун моҳиятига эътибор берсангиз, ушбу касб эгасининг умумий фазилатлари келиб чиқар экан. Ўз ишига ҳалолан ёндошади, ақл билан иш кўради, меҳрибонлик ва ширинсуханлик ила бемор қалбига йўл топади, раҳмдиллик ва аҳамиятлилик эса унинг фаолиятидаги ўрнини белгилайди.**

Дарҳақиқат, ҳамширалик нафақат бугун эмас балки азал-азалдан эъзозланиб келаётган касбдир. Шу боиским, касби тозалик, озодаликни ёқтирадиган, касаллар дарддан фориғ бўлиб ухласа қувониб, ўз постида ҳушёр, бедор, тиббий ёрдам беришга тайёр турадиган, бемор дардига малҳам бўладиган Ҳамшира бўлади.

Мана 3-4 йилдирки, ҳамшираларимиз ишига бўлган эътибор янада кучайиб, улар энг муҳими ҳамширалик иши, ташхиси ва парваришида ҳамда бемор соғлиги учун врач билан баробар жавобгар, яъни лўнда қилиб айтганда мустақил фикр юритувчи шахс эканликларини англаб етдилар. Мен мутахассис сифатида ҳамширалик касбини нечоғлик оғир эканлигини жуда яхши биламан.

Шифокорку беморга керакли ташхисни қўйиб, турли муолажалар буюради. Бу муолажаларни эса ҳамшира оғишмай амалга оширади. Ҳатто тунларни бедор ўтказиб, оғир бемор ёнидан жилмай, унинг нажоткор кўзларига термулиб, тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиб, уни ўлим чангалидан олиб қолади. Ана шундай масъулиятли касб соҳибаларини меҳнати ҳурматли Юртбошимиз И. Каримов томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб етарли даражада шарт-шароитлар яратиб берилди.

Айниқса, Ўзбекистонимиздаги 250 минг ҳамшираларимиз, ўзларининг ягона минбарлари бўлмиш «Ҳамшира» журнали ҳамда республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари ассоциациясига эга бўлдилар. Шунингдек, бу ассоциациянинг ҳар бир вилоятда бўлиши ҳам катта фахрдир. Бундан ташқари ҳамшираларимизнинг ҳамдўстлик мамлакатларида бўлиб, малака ошириб қайтаётганликлари ҳам бундан мустасно эмас. Демак, Республикамизда «Ҳамширалик иши» ривожланиб кетаётганлиги режадаги ишларнинг амалга ошаётганлигидан далолат бериб турибди. Агар ҳақиқатни айтадиган бўлсак шифохонадаги 70 фоиз ишни ҳамширалар (ўрта тиббиёт ходимлари) бажаради. Бинобарин, ана шундай холисона меҳнати туфайли халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётган ҳамшираларимиз меҳнатини эъзозлайлик ва фаолиятдаги ўринларини халқимиз орасида керак бўлса ҳамдўстлик мамлакатларида тарғиб қилайлик. Қисқача бўлсада, ҳамшираларимиз меҳнатига бўлган ҳурматимни оқ қоғозга туширдим. Шундай нияти пок инсонлар бор эканки, улар меҳнатини қадрига етмоқ учун газетамиз саҳифаларида турли мавзуларда мақолалар ёритиб боришни давом эттирамиз.

Азиз ҳамширалар! Сиз бағри кенг, кўнгли очиқ, нияти холис ва ўз устиларингизда ишлаб, билим ва тажрибаларингизни бойитинглар, чунки сиз бажараётган жараён узлуксиздир.

**27 январ – умумхалқ референдуми куни**

## КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН

**Эркин Қосимов — 2-ТошДавТИ ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг мудири, профессор.**

27-январ куни мамлакатимизда ўтказиладиган умумхалқ референдуми катта сиёсий воқеа бўлиб, мустақил юртимизнинг демократик йўлдан олиб бораётган ишларининг эзгулигидир. Айниқса, Республикамизнинг бутун жабҳаларида умумхалқ референдумига қизғин тайёргарлик олиб борилаётгани ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг ўз Она-Ватанига бўлган ишонч ва ҳурматини орттирмоқда. Жумладан бизнинг тиббиёт муассасамизда ҳам умумхалқ референдумининг нечоғлик аҳамиятга молик эканлиги ва илк бор референдумга овоз берувчи ёшларимизга ҳам ушбу тадбирнинг асосий мақсад ва мазмуни ҳамда овоз бериш тартиби хусусида тушунтириш ишларини ҳам олиб боряпмиз.

Фахр-ифтихор ва комил ишонч билан айтаманки, бу муҳим тадбирда ҳар биримиз фаол иштирок этиб, ўз юртимизга фидойи инсонлар эканлигимизни ифодалаймиз.

---

**Рихсихон Солихўжаева – Соғлиқни сақлаш взирлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси.**

– Мен ўйлайманки, Она-Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббат ҳар биримизнинг қалбларимизда дақиқа сайин жўш уриб туради. Бу меҳр-муҳаббат фақат бугун эрта эмас балки, умримизнинг сўнгги сонияларига қадар мустақил Ўзбекистонимизни кўз қорачиғидек асрашимизга қаратилган бир ички ҳиссиётимиздир.

Мана тез кунларда умумхалқ референдумига овоз бериш учун ҳар биримиз тайёргарлик кўряпмиз. Бундай муҳим тадбирда иштирок этишнинг ўзи катта фахрдир. Чунки жамоат ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари адолатпарвар халқимиз муҳокамасига қўйилар экан, аҳиллик ва уюшқоқлик билан овоз беришга тайёрмиз.


*Газеталаримизга исталган алоқа бўлимида обуна бўлинг.*

**ИНДЕКС**

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш,
Здравоохранение Узбекистана — 127



**РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР:**
**ТЕЛ.: 133-13-22**

## Устозни ёд айлаб

# ФИДОЙИ ИНСОН ЭДИ



**Қаюм Собирович Зоиров 1913 йилнинг 24 ноябрида Тошкент вилоятининг Чимбой қишлоғида камбағал-деҳқон оиласида таваллуд топди. 1924-27 йиллари тўлиқсиз ўрта мактабда, 1927-31 йилларда эса, Ўрта Осиё темир йўлининг Фабрика-завод ҳунармандчилик мактабида таълим олди. 1931 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳридаги темир йўлчилар устахонаси паровоз цехида чилангар, токарь бўлиб ишлай бошлади. Устахона муассасаси ёш мутахассиснинг зеҳни ўткир, тиришқоқ, билимга чанқоқлигини эътиборга олиб, уни Тошкент Давлат тиббиёт институтида ўқишига йўлланма беради.**

1937 йилда институтнинг санитария-гигиена факультетини имтиёзли тугатган Қаюм Зоиров республика соғлиқни сақлаш халқ комиссарининг буйруғига асосан профессор Н. И. Рагоза бошчилик қилаётган юқумли касалликлар кафедраси аспиранти қилиб қолдирилди. Лекин ёш мутахассисни бошқа муҳимроқ хизмат кутаётганидан аспирантурани давом эттира олмади. Гап шундаки, ўша пайтларда Сурхондарё вилояти ва қўшни Афғонистон чегараларида эпидемиологик вазият ниҳоятда мураккаблашгани боис, Қаюм Зоиров чегарадош туманлар бош эпидемиологи, Давлат санитария назорати ҳамда эпидемияга қарши курашувчи махсус бригаданинг бошлиғи сифатида Термиз шаҳрига сафарбар қилинди. Оғир жабҳаларда илк синовлардан мардонавор ўтиб, ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён қилган Қаюм Собирович юқумли касалликлар билан курашиш, ўрта тиббий ходимлар тайёрлашга яқиндан ва амалий кўмаклашиш мақсадида 1939 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрига юборилди, фельдшер-акушерлик билим юрти директори муовини лавозимига тайинланди. Айнан шу ерда унинг ёшларга мураббийлик фаолияти қизғин бошланди. Лекин тўсатдан бошланган иккинчи жаҳон уруши туфайли у ҳам эл-юрт қатори жанговар сафга сафарбар қилинди. 1941-46 йилларда Қаюм Собирович Зоиров ҳаракатдаги армиянинг энг оғир участкаларида фидокорлик, мардлик намуналарини кўрсатиб, Ғарбий, Болтиқбўйи ҳамда 1-Белоруссия фронтларида аввал алоҳида тиббий-санитария ротаси командири, сўнгра 863-юқумли касалликлар дала госпитали бошлиғи лавозимида ишлаб, минглаб жангчилар дардига малҳам, соғлиғига посбон бўлди.

Урушдан ғолиб қайтган Қаюм Собирович Зоиров 1951 йилгача Ўзбекистон Давлат назорати вазирлигида турли масъул лавозимларда ишлаб, вазир муовини даражасига кўтарилди. Сўнгра 1951-54 йиллари санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институтида илмий ишлар билан шуғулланиб, тинмай изланишлар натижасида «Шарбат билан ўғитланган далаларнинг санитария-гигиена ҳолати» мавзуидаги номзодлик ишини якунлади.

Ҳаётнинг мураккаб йўлини мардонавор босиб ўтган олим деярли 21 йил мобайнида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида, ҳаётининг сўнгги йилларида эса, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига раҳбарлик қилди. Унинг ажойиб ташкилотчилик, одамийлик фазилатлари ана шу йилларда янада ёрқин намоён бўлди. Қ. Зоиров соғлиқни сақлаш ишларини режалаштириш ва иқтисодий йўналиш асосларини мукаммал билиб, унинг ипидан игнасигача чуқур таҳлил қила оладиган ниҳоятда билимдон, тежамкор, тадбиркор инсон эди. Унинг бевосита ташаббуси, фаол иштироки билан 1968 йилдан бошлаб, республикада санитария-эпидемиология хизмати ҳамда эпидемияга қарши кураш ишларида катта иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошлади. Бу хизмат тури республикада биринчи бўлиб, туман марказий касалхоналари таркибидан мустақил соҳа сифатида ажратилиб, тўғридан-тўғри молия ташкилотлари моддий таъминотига ўтказилди. Бу янгилик собиқ иттифоқ соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология хизмати бўйича илғор тажриба мактаби сифатида хорижий мамлакатлар мутахассислари томонидан ҳам кенг ўрганилди, ижобий баҳоланди.

Ўша оғир ва мураккаб йилларда янги-янги олий ва ўрта махсус тиббий ўқув юртлари очилиб, малакали мутахассислар етиштириш икки баравар ошди, кўплаб илмий-текшириш институтлари ташкил этилди, уларда ўлка тиббиётига хос хасталикларни ўрганишга доир жаҳон аҳамиятига молик кенг кўламдаги фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш учун имкониятлар яратилди.

Профессор Қаюм Собирович Зоировнинг устозлик, мураббийлик фаолияти асосан у 8 йил ректорлик қилган Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан боғлиқ. Табиийки, Қаюм Собирович ишларининг давомчилари, издошлари мазкур институтнинг кейинги ривожи ва тараққиётига ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб, обрў-эътиборини оширишга баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдалар. Қ. Зоиров институт умумий гигиена кафедраси ташкилотчиси ҳамда унинг 1963 йилдан бошлаб узлуксиз раҳбари ҳам эди. Бу даврда умумий гигиена кафедрасида ўқув жараёнининг қатъий ташкил этилиши, замонавий ўқув қуроллари воситалари билан тўлиқ таъминланиши, машғулотларнинг юксак савия ва услубий асосларда аниқ илмий йўналишлар бўйича ҳаётий тажрибалар билан боғлаб ўтказилиши унинг мавқеини оширди, илғор жамоалар сафидан ўрин олиш ҳамда республика гигиенистларининг ҳақиқий илмий-услубий маркази деб аталишига асос бўлди.

Қаюм Собирович шогирдлари ва ҳамкасблари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачиликда кенг қўлланиладиган кимёвий доривор моддаларнинг инсон организмига таъсирини ўрганиш, улар билан ишлашда қўриладиган муҳофаза чоралари борасида баракали ишларни амалга оширди. У 200дан ортиқ илмий мақолалар, 6 рисола ҳамда фуқаролар муҳофазасида тиббий хизматни ташкил қилиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши кураш бўйича 50 га яқин турли ўқув фиьмлари муаллифи сифатида ҳам катта ишлар қилди. Бундан ташқари, у республикамизда санитария-гигиена, юқумли касалликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор ташкилий, молиявий масалаларни қонун даражасига кўтариб, соғлиқни сақлаш муассасаларида амалий фойдаланиш учун 30 дан зиёд махсус қўлланмалар ёзди. Унинг бевосита раҳбарлиги остида 12 киши докторлик, 40дан ортиқ шогирдлари номзодлик диссертацияларини ёқлашди.

Қаюм Собирович раҳбарлик ва жамоатчилик ишлари билан қанчалик банд бўлмасин, «Олим бўлма, одам бўл» деган муқаддас ақидага бир умр содиқ қолган, бунинг исботи учун ўзи шахсий намуна кўрсатган ҳалол ва покиза инсон эди. Унинг Ватан манфаатлари йўлидаги самарали меҳнатлари, шогирдпарварлиги, самимийлиги эвазига ёркин сиймоси қалбларимизда ҳамиша барҳаётдир. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги музейининг табаррук зот номи билан аталиши фикримизнинг исботидир.

**Искандар РАҲМОН.**

# ЯНГИЛИКЛАР

• НОВОСТИ
• СОБЫТИЯ
• КОММЕНТАРИИ

## МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

**Вазирлар Маҳкамасида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.**

Бош вазир ўринбосари Д. Ғуломова бошқарган мазкур йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг 2001 йил давомидаги фаолияти натижалари тўғрисидаги, шунингдек, «Соғлом авлод» ҳамда «Она ва бола» давлат дастурларининг бажарилиши ҳақидаги масалалари муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудири Т. Норбоева ана шу ҳақда маъруза қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда Жиззах, Самарқанд ва бошқа вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари, вазирлик ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг шу хусусдаги ахборотлари тингланди.

«Соғлом авлод» давлат дастурида белгиланган вазифалар юзасидан жойларда талайгина ишлар амалга оширилди. Республикада «Она ва бола скрининги», юқумли касалликларга қарши курашиш, «Жозибадор табассум», «Балоғат даври» дастурлари амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Барча ҳудудларда истеъдодли болаларни рағбатлантириш, улар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил этиш ишлари олиб борилаяпти.

Шуниси эътиборлики, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақоми ва аҳамиятини ошириш мақсадида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, болали аёлларни иш билан таъминлаш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилаётир.

Мажмуа таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан «Она ва бола» давлат дастури ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туғруқ мажмуалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланяпти. Қизлар саломатлигини назорат қилиш мақсадида «Болалар ва ўсмир қизлар репродуктив саломатлиги» ўқув-методик маркази, вилоятлардаги барча туғруқ комплексларида унинг филиаллари ташкил этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Т. БОТИРБЕКОВ,*
*ЎзА мухбири.*

## 2002 ЙИЛ РЕЖАЛАРИ КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

**Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент шаҳри ҳамда туманларидаги тиббиёт муассасалари ва институт клиникаларининг бош ҳамширалари иштирок этдилар.**

Йиғилишни вазирликнинг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси Рисхихон Солихўжаева кириш сўзи билан очиб, ҳамширалик соҳасида 2001 йилда амалга оширилган ишлар якуни ва 2002 йилда қилиниши керак бўлган ишлар хусусида тўхталди.

Йиғилиш давом этар экан, асосан иштирокчиларни фикр, мулоҳаза ва таклифлари ўртага ташланди.

Биринчи навбатда тиббиёт муассасаларида ҳамшираларнинг олиб бораётган ишларининг сифати, беморларга бўлган муносабати, рамзий кийимларининг мақсадга мувофиқ бўлиши тўғрисидаги фикрлар бош ҳамширалар томонидан гапириб ўтилди.

Иккинчи масала эса кадрлар тайёрлаш тўғрисида бўлиб, унда асосан Республика олий малака ошириш билим юртида малакасини ошириб қайтаётган ҳамшираларнинг ўқув фаолиятлари қандай олиб борилаётганлиги хусусида билим юрти директорининг ўринбосари Дилором Сиддиқованинг ҳисоботи тингланди. Муаммо бўлиб турган айрим масалалар очиқ-ойдин айтилди ва ҳамкорликда иш олиб бориш вазифалари белгилаб олинди.

Шунингдек, Японияда бўлиб қайтган ҳамширалар иштирокчиларга сафар таассуротларини гапириб бердилар.

Йиғилишга якун ясалар экан, иштирокчилар ва кенгаш аъзолари 2002 йилда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида келишиб олдилар.

## ХАЛҚАРО МАМЛАКАТЛАРДА

### НАҲАНГГА ҲАВАС ҚИЛИБ...

**Ҳаммага маълумки, ўзини ҳурмат қилган ҳар бир америкалик оппоқ тишларини ялтиллатиб, ясама табассум билан юради. Лекин бошқа халқ вакиллари ясама табассумдан кўра тишларни маъқул кўрадилар. Бахтга қарши тишларимиз тез ишдан чиқади, тишлар эса умримиз бўйи икки марта янгитдан ўсиб чиқади. Шу маънода акулаларга ҳавас қилса бўлади: уларнинг тушиб кетган тишлари ўрнига доимо янгиси ўсиб чиқаверади. Яқинда япон врачлари янги тишлар ўстириб чиқариш йўлини топдилар. Эски тиш тушиб кетгандан кейин милклар алоҳида генлар билан тўйинтирилган модда билан парвариш этилади. Бу усулни тишсиз қолган ит ва маймунларда синаб кўрдилар. Ҳозирда олимлар янги кўзларни ҳам ўстирсак қандай бўларкин, деб ўйлаб кўрмоқдалар.**

Миллий дастур амалда

# БУГУНГИ КАДР — ЭРТАНГИ КЕЛАЖАК

(Боши 3-бетда).

қиллик даврида нашр этилган адабиётларни ташкил этади, совға сифатида ҳар йили Япония, Туркия ва Венгриядан даврий тиббиёт журналларини олиб туради, гуманитар ёрдам сифатида АҚШнинг Колорадо штати университетидан 15.900 нусха китоб ва журналлар ҳамда кутубхона анжомлари олинган бўлиб, хорижий адабиётлар ўқув хонаси ташкил этилган ва Жанубий Кореядан 280 номда 3000 нусхада инглиз тилида ўқув адабиётлар билан бойиган. Москва шаҳридаги «Практика» нашриёт уйи ва «Геотар медицина» нашриёти билан шартномалар тузилган ва 201 номда 3 миллиондан ортиқ сўмга китоблар харид қилинган. «Осиё маданияти ва тараққиёти» институти Тошкент ваколатхонаси (худудий директори – доктор Кенг Сонг Хан) ташаббуси билан Жанубий Кореянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Чанг Хун жанобларини фаол иштирокларида институт кутубхонасига инглиз тилидаги 1999-2000 йилларда нашр этилган ўқув-тиббий адабиётлар 68 номда 2000 нусхадан ортиқ миқдорда берилди. Россия Федерациясидан 22 номдаги тиббиёт журналларига доимо обуна бўлиб, журналлар илмий ўқув хонасида ўқитувчи ва талабалар томонидан мутолаа қилинмоқда.

Экспертиза натижасида китоб захирасининг 30% аъло ва яхши, 63% қониқарли сифатлиги аниқланган. 7% дарсликлар экспертизадан ўтмаган ва фойдаланиш учун яроқсиз деб топилган.

Ўқув адабиётлар билан талабаларни таъминланиш даражаси ўрганилганда, математика ва информатика асослари, тиббиётда янги технологиялар, социалогия, менежмент, маркетинг, умумий амалиёт врачи ва биостастика фанлари бўйича дарсликларни етишмаслиги аниқланди.

Талабаларнинг ўқув китоб захираси доимо фойдаланишда бўлиб, янгилаб турилади. Китоблар сақланадиган жойларда – талабалар ва фундаментал кутубхона, илмий ўқув зали, ўқув зал, ўқув-услубий хона, ётоқхоналардаги бўлимларда китоблар кўргазмаси ташкил этилган.

Институт кутубхонаси вилоятлардаги тиббиёт институтлари филиалларига ёрдам кўрсатиб келади, малакасини ошириш учун келган профессор-ўқитувчиларга адабиётлар кўрсатилиб ва таништирилиб бориладди.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув қўлланмаларни ёзиш ва чоп этиш яхши йўлга қўйилган. 1999 йилда 30та (11таси ўзбек тилида), 2000 йилда 74та (45таси ўзбек тилида) ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилган. Кутубхонамиз «Сорос» жамғармаси эълон этган «Кутубхона» грант конкурсида иштирок этган.

Институтда 2000 йил 4 апрелдаги «UZNET» фирмаси билан тузилган шартномасига асосан ўз «INTERNET» сайтига эга tashmi@mail.uznet.net. Ҳозирги вақтда ушбу воситадан фойдаланган ходимлар ва талабалар сони 583 кишини ташкил этди. Асосий олинаётган маълумотлар илмий йўналиш ва ўқув жараёнида қўлланиладиган замонавий ахборотлардан иборат. Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия ва Халқаро классификатор орқали анжуманлар, симпозиумлар, конгрессларнинг мавзуий-календар режаси олинган ва илмий бўлим орқали тарқатилган.

E-Mail электрон почта хизматидан фойдаланиш – асосан «MedLine», «ToxiLine» хизмати системалари мавжуд. tashmi@mail.ru. Олинадиган маълумотлар асосан илмий йўналишда қўлланиладиган замонавий ахборотлардан иборат.

### ИЛМ ВА ТАЪЛИМ

Институт Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг 1996 йил 22 феврал 45-сонли буйруғига биноан «Даволаш иши» ва «Стоматология» таълим йўналишлари бўйича «Таянч институт» ҳисобланади.

Институт ушбу таълим йўналишлари бўйича касб тавсифномалари, давлат таълим стандартлари, Намунавий ўқув режаларини ишлаб чиққан ва тасдиқдан ўтказган. Институтда ҳозирги кунда 4та таълим йўналиши ва магистратура мавжуд бўлиб, уларда тасдиқланган Давлат таълим стандартлари асосида ўқиш олиб борилмоқда.

### ТАЪЛИМНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

Кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизими «Институт маркетинг хизмати Низоми»нинг 3.2; 3.6; 3.10-бандларига ва ушбу бўлимнинг йиллик режаси асосида олиб борилган. Мониторинг қуйидаги йўналишлар орқали амалга оширилмоқда:

1. Кадрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунга, Вазирлар Маҳкамасининг 8.06.2000й. «2000-2001 ўқув йили «Олий ўқув юртларга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига асосланган ҳолда, институтда «Абитуриент-2000» деб номланган тадбирлар ўтказилган. Бунда институтнинг «Шифокор» газетасида қабул шартлари ёритилган, ҳар бир мутахассислик тўғрисида абитуриентлар учун реклама-проспектлар тайёрлаб, тарқатилган, раҳбарият оммавий-ахборот воситалар орқали, жумладан, телевидение орқали абитуриентга бўлган талаблар, қабул шартлари, ўқиш жараёнини ёритган. Давлат қабул комиссияси томонидан берилган тавсиялар ва қабул режаси ўрганилган ва керакли тадбирлар ўтказилган. Институт қабул ҳайъатининг иш фаолияти тўла автоматлаштирилган, керакли ахборот базалари яратилган.

2. Ўқиш мобайнида ўқув жараёнининг сифат мониторинги олиб борилади. Ўқув бўлими, деканат, ректорат ва илмий кенгашда институт кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилувчи ички инспекция маълумотлари ҳар бир фан ва ундан келиб чиққан курс ва факультет бўйича кўриб чиқилади ва амалий хулосалар қабул қилинади.

3. Битирувчиларга бўлган эҳтиёж мониторинги. Бу йўналишда кенг тадбирлар ўтказишни иложи йўқлиги сабаб – асосий буюртмачи Давлат системасидир, яъни Соғлиқни Сақлаш Вазирлигидир. Кадрларни сони фақат норматив кўрсаткичлар билан белгиланган. 1998/99 ўқув йилида Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Темир йўллар бир неча мутахассисларга буюртмалар берган. Лекин, 1999/2000 йилда «Умумий амалиёт врачи» тизимига уларни талаблари тўғри келмаган ва шунинг учун буюртма берилмаган. Институт Давлат қабул комиссияси ёрдами орқали Навоий кон-металлургия комбинати-18, Ўзйўллойиҳа концернига шартнома асосида 6 нафар кадрлар тайёрлаб борилмоқда.

Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг буюртмаси орқали бир неча йирик тиббий республика марказларига 28 магистрлар 7 соҳа бўйича тайёрлаб борилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш сифати якуний Давлат Аттестация комиссиясининг натижаларига кўра баҳоланган. 1999/2000 йилда икки мутахассислик бўйича: – «Даволаш иши» бўйича – 197, «Стоматология» бўйича – 109 талаба битирган. Кўрсаткичлар қуйидагича:

а) «Даволаш иши» – битирувчилар сони – 197, улардан «аъло» – 48 (24,4%), «яхши» – 143 (72,6%), қониқарли – 6 (3,0%) топширишган. «Аъло» ва «яхши» баҳоларга 97% битирувчилар топширган.

б) «Стоматология» – 105 Ўзбекистон фуқароси ва 4 чет эллик талабалар Давлат аттестациясидан – 39 (35,8%) – «аъло» 66 (60,6%) – яхши ва 4 (3,6%) – қониқарли баҳолар билан ўтишган. «Аъло» ва «яхши» баҳолар 96,4% ташкил қилган.



Институт соғлиқни сақлаш амалиёт системаси ва идоравий тиббиёт муассасалари билан кўп қиррали боғламларга эга. Мисол учун, ССВнинг Жарроҳлик илмий марказида – «Госпитал жарроҳлик» кафедраси, Республика тез ёрдам илмий марказида – «Болалар жарроҳлиги», «Факультет ва госпитал терапия» кафедраси, ССВнинг Фтизиатрия ва пульмонология ИТИда «Сил касалликлари», санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИда касб касалликлари курси, гематология ва қон қуйиш ИТИда «Гематология» курси жойлашган ва мунтазам равишда нафақат ўқув жараёнини ташкил қилган, балки Республика бўйича ушбу муассасаларга даволанишга келган беморларга юқори малакали ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Худди шу кўламдаги тадбирлар шаҳардаги бир неча йирик ишлаб-чиқариш корхоналарининг тиббиёт санитария қисмлари (ТСҚ) қошида жойлашган кафедраларда кам олиб борилган. Масалан, Чкалов номидаги АиЧБнинг ТСҚ қошида «Жарроҳлик» ва «Педиатрия» кафедралари жойлашган ва ҳоказо.

Ушбу кафедраларда илмий изланишлар натижалари амалиётга кенг тадбиқ қилинган. ССВ томонидан мазкур муассасаларга ажратилган янги жиҳозлар биринчи бўлиб ўқув жараёнига берилган. Мисол учун, институт клиникасига компьютер томограф ускунаси ўрнатилган бўлиб, ундан бевосита кафедра ходимлари фойдаланадилар ва ўқув жараёнига ушбу аппарат ишлаш принципларини ўрганиш ҳам киритилган.

Институт кафедраларидаги замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлардан илмий ишлар ва талабалар илмий изланишларида кенг фойдаланилади. Ультратовуш аппаратлари, нур диагностикаси, инструментал текшириш асбоблари, эндоскопия, бронхоскопия, лазер, нейродиагностика каби мураккаб текшириш усулларидан ҳам илмий ходимлар, ҳам талабалар кенг фойдаланадилар. 5 йил ичида 36та илмий изланишларга патент олинган ва 11та илмий ишга патент олиш ижобий ҳал қилинган.

Амалиётга ёрдам тариқасида «Умумий амалиёт шифокори» кафедраси Фарғона вилояти учун 1999 йилда 25та, 2000 йилда 25та шифокорни умумий амалиёт шифокорлиги дастури бўйича тайёрлаб берган.

### ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР

Институтда иқтидорли талабалар билан алоҳида иш олиб борилмоқда. Улар даволаш факультетининг 3-7 курсларида, стоматология факультетининг 3-5 курсларида алоҳида гуруҳларда таҳсил олмоқдалар.

Институтда иқтидорли талабалар билан ишлашнинг кўрсаткичларидан бири уларнинг фан олимпиадалардаги иштироки ва унда эришган ютуқларидир. Шу маънода сўнгги йилларда ўтказилган Республика олимпиадаси натижалари аҳамиятга моликдир. 1998 йилда институт талабалари олимпиадага киритилган фанлардан – терапия, хирургия, акушерлик-гинекология, стоматология ҳамда кимё фанлари бўйича биринчи ўринни эгаллаганлар. Бундай юқори натижа 1999 йилда ҳам қайтарилган.

Институтнинг иқтидорли талабалари хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар томонидан уюштирилган кўрикларда қатнашганлар. Жумладан, даволаш факультетининг 5-курс талабалари 1998 йил 28 сентябрдан 8 октябргача Тошкентда Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўтказилган халқаро семинарда қатнашиб, клиник фармакологиядан халқаро мақомга эга бўлган сертификат олганлар. АҚШнинг «Проктэр энд Гембл» ташкилоти олиб бораётган ҳамкорлик ишлари натижасида охирги 3 йил мобайнида 18 талаба, 18 клиник-ординатор, 3 докторант, 6 аспирант 2 босқичли тест-синов ва суҳбатлардан ўтиб, ғолиб чиққанлар.

Стоматология факультетининг талабалари ҳар йили халқаро хорижий ташкилотлар томонидан уюштирилган танлов ва семинарларда қатнашиб турадилар. Жумладан, 1996 йилдан бери ҳар ўқув йилида 2 марта «Осиё маданияти ва ривожланиши институти» Жанубий Корея таъсис этган Ян Ю Сик номидаги 4та стипендияга уюштириладиган тест-синов танловида қатнашиб, қўшимча махсус стипендия олишга сазовор бўлмоқдалар, бу стипендияни ҳозиргача 20 талаба олган.

1997 йили институтнинг стоматология факультети 2-курс талабаси Ҳамраева Феруза Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобини ўрганиш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган телекўрсатувда эришган ютуқлари учун Президентимизнинг шахсий совғасини олишга муяссар бўлган. 1999 йил Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилган «Мисс Ўзбекистон» танловида 5-курс талабаси – Ғуломова Камола 1-ўринни эгаллади. Талабалар орасида тинчлик, дўстлик, биродарлик каби ҳислатларни уйғотиш, шубҳасиз, ёшларни иноқликка чорлайди. Шу маънода «Дўст билан обод уйинг» мавзусида иншо конкурси ўтказилган. Бу конкурсда қатнашчилардан 1-курс стоматология факультети талабалари Н. Рашидова, Д. Норқулова ғолиб бўлиб, Республика иншо кўригида қатнашганлар.

Мустақиллик даври ўқув йилида институт талабаларидан Президент Давлат стипендиати 5та, 11таси «Ибн-Сино» номидаги, 10таси институт Илмий Кенгашининг стипендияси, 2таси Республика ва шаҳар талабалар касаба уюшмасининг стипендияларини олмоқдалар.

Институтда ҳар йили талабалар илмий жамиятига 350дан ортиқ талаба аъзо бўлади ва ҳар йили 400дан ортиқ маърузалар тайёрланади.

### ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Институтнинг иш фаолиятини, профессор-ўқитувчиларнинг бутун фаолияти сифатини ва талабаларнинг билим даражасини баҳолаш рейтинг тизими – Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари учун жорий этилган муваққат Низом асосида ташкил қилинган.

Институт 1998-99 ўқув йилининг 1.11.99 йилдан 13.11.99 йилгача Давлат тест маркази қошидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ҳайъати томонидан давлат аттестациясидан ўтказиш дастури асосида текширувдан ўтди. Тўплаши керак бўлган 2500 баллдан 1884,2 баллни олиб тиббиёт институтлари орасида биринчи ва Республика Олий ўқув юртлари орасида 4 ўринни олган.

Талабаларни билим даражасини баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8 июн 194 сонли, 2000 йил 7 феврал 27-рақамли буйруқлари билан тасдиқланган «Олий ўқув юртларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги намунавий Низом» асосида институтнинг намунавий Низоми ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига тўлақонли жорий этилган.

Бундан ташқари кафедраларнинг иш фаолияти ва ўқитувчиларнинг ҳисоботлари ректорат кенгашида бирма-бир кўриб чиқилади ва тавсиялар берилади.

### ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Биринчи ТошДавТИда халқаро илмий ҳамкорлик бир неча йўналишлари бўйича олиб борилмоқда. Сўнгги 3 йилда институт Халқаро «Сорос» Очиқ Жамиятлар Университети танловида ғолиб чиқиб, унинг 2 ходими Австрияга илмий анжуманга бориш грантини қўлга киритган. Бундан ташқари Америка Шимолий-Ғарбий халқаро Тиббиёт Лигаси (North – West IML) билан тузилган шартномага асосан институтга АҚШ стоматологлари ва акушер-гинекологларидан 4 мутахассис ташриф буюриб врач ва ҳамширалар билан ўқув семинарлари ўтказишган ҳамда институт клиникаларида беморларни даволаш ишларига қатнашишган. Стоматология факультети АҚШдан 900 дона ўқув китоблари, журналлар ва стоматлогия асбоб-ускуналарини мурувват ёрдам тариқасида олишган. АҚШдан олинган асбоб-ускуналар асосида факультетда стоматологик кабинет очилиши келишилган. Шунингдек, Америка Лигаси институтни ўқув ва илмий адабиётлар, тиббиёт материаллари билан таъминлашда ҳам катта ёрдам бермоқда. Улар ёрдамида институт кутубхонаси 78323та илмий ва ўқув адабиётларини олди ҳамда ҳар ойда «Стоматология» (Япония), «Анестезиология ва реаниматология» (Бразилия), «Интермедицина» (Италия) каби журналларни мунтазам олиб турибди. Институтда «Темпус-Тасис» ҳамкорлик доирасида Тошкент Давлат Университети билан биргаликда «Соғлиқ психологияси магистри даражасини ташкил қилиш» лойиҳасини амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Ўқув юртида 1995 йилдан Жанубий Кореядаги Осиё маданияти ва ривожланиши институти билан ҳамкорликда институтнинг клиникаси қошида ташкил этилган Жанубий Кореянинг «Шарқ табобати маркази» ўз фаолиятини давом эттирмоқда. У ерда беморлар текин даволаниш билан бир қаторда талабалар ҳам халқ табобати фанидан билим олмоқдалар. Врачлар ва студентлар учун семинарлар ташкил этилмоқда.

Фақат сўнгги 3 йилда 100дан ортиқ институт ходими чет элларда бўлиб ўз малакаларини оширганлар, семинар ва конгрессларда иштирок этганлар ҳамда илмий маърузалар билан чиқганлар. Институтнинг умумий амалиёт врачи тайёрлаш тизимига ўтиши муносабати билан умумий амалиёт врачи тайёрлаш кафедраси ходимларидан 6 киши сўнгги 3 йилда Жаҳон Банки билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Саломатлик» дастури ва Англиянинг «НОУ-ХАУ» фонди ёрдамида бир йил давомида Буюк Британия мутахассислари раҳбарлигида «Умумий амалиёт врачи» мутахассислиги бўйича махсус курсни ўтдилар. Ўқишнинг бир қисми Лондонда ўтказилган.

Биринчи ТошДавТИда чет эллик муаллифлар ҳамда нашриётлар билан ҳамкорликда давлат тилида дарсликлар нашр қилиш тўғрисида шартномалар тузилган. Хусусан Москвадаги «Геотар» нашриёти билан «Микробиология, Патологик анатомия, Топографик анатомия» дарсликларини 2002 йилда нашрдан чиқариш тўғрисида шартнома имзоланган. Дунёга таниқли олим Джон Мёртанинг «Справочник врача общей практики» номли китоби институт олимлари томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб нашрга тайёрланган.

Ундан ташқари сўнгги 4 йилда институтда турли хорижий давлатлардан келган 1997-1998 ўқув йили – 73 талаба, 1998-1999 ўқув йили – 59 талаба, 1999-2000 ўқув йили – 41та талаба, 2000-2001 ўқув йили – 15та талабалар таҳсил олмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки институтни тугатган талабаларнинг барчаси ўз мамлакатларида лицензия олиш учун имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, врач бўлиб ишламоқдалар.

Институт Жанубий Қуриянинг Самсунг тиббий маркази, Туркиядаги Хожи тепа ва Ғози университетлари, АҚШдаги Иллинойс университетлари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича шартномалар тузган.

Институт Фанлар Академияси тизимида институтлар билан илмий-педагогик шартнома асосида иш олиб бормоқдалар, жумладан эндокринология, биологик кимё, иммунология, ўсимликлар кимёси, кимё, кибернетика, онкология ва радиология, курорталогия ва физиотерапия, акушерлик-гинекология, педиатрия, иқтисодиёт илмий-текшириш институтлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

**Турғунпўлат ДАМИНОВ,**
**1-ТошДавТИ ректори, академик,**
**тиббиёт фанлари доктори,**
**Олий Мажлис депутати,**
**Ўзбекистон Республикаси «Адолат» социал демократик партиясининг биринчи котиби.**

Берегите глаза – зеркало души

# ПРОФИЛАКТИКА И ЛЕЧЕНИЕ КОСОГЛАЗИЯ

Очень многие родители думают, что косоглазие – это не болезнь, а косметический недостаток, который легко устранить с помощью очков или операции. Отсюда вытекает спокойное отношение к факту возникновения косоглазия, поздние сроки обращения к врачам и легкомысленное отношение к назначенному лечению.

Косоглазие – тяжелое страдание, варианты которого различны – ребенок может косить одним глазом или двумя попеременно, постоянно или периодически. Косоглазие может быть сходящимся или расходящимся и т. д.

Причины всех форм косоглазия различны.

Косоглазие может появиться на первом году жизни, чаще в возрасте 2-3-4 лет. В этом возрасте оно развивается без видимых причин, иногда после испуга или болезни ребенка. Необходимо немедленное обращение к врачу-офтальмологу.

Врач после выяснения у родителей времени и причины появления косоглазия проведет сложное специальное исследование.

Прежде всего необходимо определить остроту зрения.

Как правило (70%), при наличии косоглазия острота зрения понижена и редко сохраняется высокой – только при попеременном косоглазии правого или левого глаза.

Далее обследуется подвижность глаз во все стороны.

Это исследование очень важно, т. к. выявление полной неподвижности или заметного ограничения движения глаза в одну сторону говорит о паралитическом косоглазии и наличии неврологической патологии. При сохранении подвижности глаз во все стороны оно называется содружественным.

Причиной паралитического косоглазия может быть повреждение глазодвигательных мышц и их нервов в результате травм или при поражениях головного мозга (опухоль, кровоизлияние, воспаление и др.). Такое косоглазие требует лечения ребенка у невропатолога и окулиста.

Врач-офтальмолог должен тщательно исследовать состояние переднего отрезка глаз, преломляющих сред и глазного дна, т. к. причиной косоглазия может быть низкое зрение в результате помутнения хрусталика, роговицы или стекловидного тела, а также вследствии заболевания сетчатки и зрительного нерва. Такое косоглазие называется вторичным.

В любом таком случае устранение косоглазия возможно только при излечивании заболевания, которое это косоглазие вызвало.

При содружественном косоглазии необходимо тщательное исследование рефракции в условиях паралича аккоммодации, которое достигается инстилляциями раствора атропина различной концентрации (0,18 – 0,3; 0,5 и 1%) в зависимости от возраста. Практика показывает, что у 70-80 детей из 100 с первичным сходящимся содружественным косоглазием бывает дальнозоркость средней и высокой степени, а из 100 детей с расходящейся формой такого косоглазия у 60-70 выявляется близорукость различной степени.

В этих случаях лечение начинается с подбора очков, которые ребенок должен носить постоянно, т. к. уже одно это может исправить косоглазие – такое косоглазие называется аккомодационным.

В тех случаях, когда один глаз видит плохо, а другой хорошо, лечение начинают также с назначения очков и заклейки видящего глаза до 3-6 месяцев. Заклейка-повязка должна закрывать лучше видящий глаз.

Родители должны добиваться того, чтобы ребенок как можно больше занимался с мелкими предметами – игрушками, рисунками, конструктором, мячом, работая при этом одним хуже видящим глазом. Один раз в неделю нужно открывать заклеенный глаз и один раз в две-три недели проверять зрение обоих глаз. Как правило, при таком лечении до 95% детей повышают остроту зрения в течение 4-6-месячного лечения. При необходимости проводятся дополнительные методы лечения на специальных аппаратах – ББО (большой безрефлексный офтальмоскоп), синоптофор и др. в кабинетах охраны зрения детей – КОЗД. Если все же тщательно проведенное лечение не приведет к устранению косоглазия, то необходимо начинать хирургический этап лечения.

Вопрос о хирургии косоглазия должен решаться только врачами специализированных глазных отделений или клиник.

Важно запомнить, что после операции нельзя обольщаться, что глаза перестали косить – это эффект временный. Он становится постоянным только после повторных консервативных амбулаторных курсов лечения по выработке бинокулярного зрения, т. е. одновременного зрения обоими глазами. Лечение, направленное на восстановление бинокулярного зрения, проводится врачом-офтальмологом КОЗД.

Только исключительно правильное и систематическое лечение приводит к полному косметическому и функциональному излечению косоглазия в 80-90% случаев.

Если же лечение начато несвоевременно и проводится нерегулярно, то его эффект значительно меньше.

Если косоглазие появилось с рождения или в первый год жизни, оно, как правило, с вертикальным компонентом и анатомическим дефектом глазо-двигательных мышц. Исправление его необходимо производить хирургическим методом в первые два года жизни.

Остальные формы содружественного косоглазия обычно оперируются в 3-4-летнем возрасте.

Главное: все должны помнить, что косоглазие – это не безобидный косметический недостаток, а серьезная болезнь, которая вредит не только ребенку и семье, но и всему обществу.



# АДЕНОВИРУСНЫЕ КОНЪЮНКТИВИТЫ

Аденовирусный конъюнктивит – вирусное заболевание, легко передающееся от больного к здоровому.

Открыты аденовирусы еще в 1953г. и впервые были обнаружены в ткани аденоидов, удаленных у детей; позже их нашли в миндалинах, смывах со слизистой носоглотки, в соскобах слизистых век.

В последние десятилетия наблюдались вспышки этого конъюнктивита в детских коллективах, в семьях и лечебных учреждениях, причем в разное время года.

По проявлениям болезненных признаков различают несколько форм поражения слизистой век аденовирусами: так называемый, эпидемический конъюнктивит, аденофарингоконъюнктивальную лихорадку и дифтериеподобный или пленчатый конъюнктивит.

Эпидемический конъюнктивит встречается чаще у взрослых. В половине случаев поражается один глаз, но спустя 7-10 дней может заболеть второй. Чаще процесс начинается таким образом: на слизистой век возникает большое количество фолликулов-пузырьков с мутноватым содержимым, которые держатся примерно в течение трех недель. Потом явления идут на убыль, и человек чувствует себя здоровым. Однако это благополучие кажущееся, ибо вскоре появляются воспалительные высыпания на роговой оболочке: держатся они в течение месяца, иногда больше, а затем постепенно рассасываются.

Другой вид конъюнктивита – аденофарингоконъюнктивальная лихорадка – встречается преимущественно у детей, хотя болеют и находящиеся с ними в контакте взрослые.

При этой форме заболевания поражения глаз – не ведущий признак, оно возникает лишь на фоне воспалительных явлений слизистой верхних дыхательных путей.

На первый план выступают общие явления: недомогание, головная боль, иногда рвота, повышение температуры до 39 градусов с последующим ее резким падением. Заболевание может протекать в виде катара верхних дыхательных путей, либо тонзиллита, воспаления бронхов или легких. На таком фоне развивается острый фолликулярный либо пленчатый конъюнктивит.

Фолликулярный конъюнктивит в половине случаев бывает двусторонним. Он может возникнуть в любое время года, чаще летом и осенью. Заболевшие жалуются на резь, чувство инородного тела в глазу и выделения из него. Веки отечные и покрасневшие. Зрение обычно не страдает. Иногда на слизистой век появляются пленки – развивается пленчатый конъюнктивит с теми же субъективными ощущениями.

Дифтериеподобный конъюнктивит обычно наблюдается у детей младшего возраста. Инкубационный период – от 3 до 8 дней, чаще поражается один глаз.

Резко отекают веки, появляются сероватые пленки, напоминающие пленки при дифтерии, но они тоньше, легче снимаются, и заболевание протекает на фоне удовлетворительного общего состояния. Заканчиваясь в общем благополучно, аденовирусный конъюнктивит на значительное время лишает человека трудоспособности. Вот почему большое значение придается правильному лечению и профилактике конъюнктивита.

В остром периоде заболевания для улучшения обменных процессов рекомендуются капли с адреналином, витамины А, С, В2, а с целью предотвращения вторичной инфекции – капли левомицетина, альбуцида. Весьма эффективны гамма-глобулин, содержащий неспецифические антитела, дезоксирибонуклеаза, керецид, флореналь, теброфен, оксолин. В качестве противовирусного средства применяют также интерферон. Он продуцируется клетками организма в ответ на внедрение вируса, охраняет клетки слизистой век от вредного воздействия вирусов и значительно подавляет их размножение. Применяют также препараты, способствующие выработке интерферона в организме – пирогенал, прозитозан, полудан. Так, интерферон лейкоцитарный применяют в инстилляциях до 5 раз в день (раствор этого препарата – 50000 ЕД/мл можно вводить под конъюнктиву), пирогенал 100МПД/мл в каплях также 5-6 раз в день, постепенно уменьшая число инстилляций.

При наличии токсико-аллергической реакции применяют комплексную терапию, включающую в себя внутремышечные инъекции 0,005% раствора продигиозана и инстилляции 0,1% раствора дексаметазона.

В некоторых случаях, когда лечение начинали из-за поздней диагностики с большим опозданием, или оно было бессистемным, заболевание может растягиваться на многие месяцы, а иногда и годы.

Что касается профилактики, то она общая при многих вирусных инфекциях и играет исключительно важную роль.

Профилактические мероприятия должны включать целую систему последовательно проводимых мер:

1. С целью локализации очага инфекции необходима срочная изоляция выявленных больных и контактировавших с ними.

2. С целью прерывания путей распространения инфекции необходимо предусмотреть:

- ежедневную влажную уборку помещений 1-2% раствором хлорамина;
- для разведения век с целью осмотра глаза и выполнения процедур необходимо пользоваться палочками с ватными тампонами на одном из их концов;
- использование индивидуальных глазных пипеток и стеклянных палочек для закладывания мази с тщательной предварительной их стерилизацией;
- глазные капли необходимо менять ежедневно.

С профилактической целью можно закапывать интерферон.

Соблюдая все меры предосторожности, можно защитить себя от инфекции.

***Доктор медицинских наук, профессор***
***О. Г. ЛЕВЧЕНКО.***
***Главный детский офтальмолог Горздрава г. Ташкента, кандидат мед. наук***
***С. Л. ПИСАРЕВСКИЙ.***

Назорат, муаммо, ечим

# ЎСМИРЛАР ВА ЧАҚИРИЛУВЧИ ЁШЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТНИНГ АҲВОЛИ ВА ТИББИЙ ЧАҚИРУВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ



Ўтган йиллар мобайнида ўсмирлар ва чақирилувчиларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ва тиббий чақирув комиссиялари ишида маълум ижобий ўзгаришларга эришилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятидан бошқа барча вилоятларда ўсмирларга маслаҳат, ташкилий методик хизмат кўрсатувчи поликлиника ва марказлар ташкил қилинди ва фаолият кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида ўсмирлар марказига бино ажратиш масаласи Жўғори Кенгашда, Қашқадарё вилоятида эса вилоят ҳокимлигида кўриб чиқилган ва 2002 йилнинг биринчи чорагида бино ажратилиши кўзда тутилган.

Барча туман ва шаҳар поликлиникалари қошида ўсмирлар хоналари ташкил қилинган. Тошкент шаҳрида 105 ўринли маслаҳат поликлиникасига эга бўлган ўсмирларни реабилитация қилиш маркази, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг марказий касалхонасида 10 ўринли ўсмир қизларни реабилитация қилиш бўлими, Янгиер шаҳри ва Сирдарё туман марказида эса ўсмир қизларга хизмат кўрсатувчи марказлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани марказий поликлиникаси қошида ҳам 6 ўринли вояга етмаганларни реабилитация қилиш бўлими, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани марказий поликлиникасида 6 ўринли вояга етмаган ногирон ўсмирларни реабилитация қилиш бўлими ташкил қилинган.

Республика бўйича ҳозирги кунда 830дан ортиқ ўсмирлар врачи ишламоқда. Шулар жумласидан 147та болалар ва ўсмирлар гинекологи, 45та ўсмирлар психиатри ва 20та ўсмирлар нарколог врачлари ажратилган. Туман ва шаҳарларда ўсмирлар хизматига ажратилаётган штатлар амалдаги нормативларга мос эмас. Кўпчилик туманларда фақат биттагина ўсмирлар врачлари ишламоқда. Улар ҳам айрим туман ва шаҳарларда тиббий чақирув комиссиялари таркибига киритилган. Демак, йил давомида 6-7 ой ўз вазифасини бажармайди. Айнан шу туманларда ўсмирлар хизмати кўрсаткичлари паст даражада қайд қилинмоқда (Тошкент шаҳри Ҳамза тумани, Самарқанд вилояти Челак тумани, Сирдарё вилоятининг Ховос, Шароф Рашидов ва Оқолтин туманлари, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри).

Ўтган 2000 йил ва 2001 йилнинг 9 ойи давомида 200дан ортиқ врачлар ТВМОИ қошида ташкил қилинган ўсмирлар врачлари малакасини ошириш курсида ўз малакасини оширди. Тиббий чақирув комиссиялари ишида қатнашиш учун мутахассислар ушбу ишга лойиқ ёки нолойиқлиги аттестация йўли билан аниқлаш орқали танлаб олинмоқда. Лекин жойларда ўсмирлар врачлари ва тиббий чақирув комиссиялари мутахассисларини тез-тез алмаштириш ҳоллари кузатилмоқда. Бу ҳол деярли барча вилоятларда учрамоқда.

2001 йил чақирув мавсуми олдидан барча вилоятларда семинар-кенгашлар ўтказилди. Ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг аҳволи ва тиббий чақирув комиссиялари фаолияти вазирликнинг селектр йиғилишларида ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳайъати йиғилишларида мунтазам муҳокама қилиб борилмоқда. Ушбу тадбирларга асосан болалар ва ўсмирлар орасида ўтказилаётган тиббий кўрикларда психиатр ва нарколог врачлар иштироки таъминланди.

15-17 ёшдаги ўсмир ўғил-қизларни профилактик тиббий кўрик билан қамраш 2000 йилда 97,1 фоизни ташкил қилган бўлса, тезкор маълумотларга кўра 2001 йил 9 ойи давомида 91,4 фоизга бажарилди. Тиббий кўрик натижасида аниқланган беморлар юз фоиз диспансер кузатувига олиниб соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ўсмир қизларга қаратилаётган эътибор ҳамма жойда ҳам бир хил деб бўлмайди. 2001 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 789 315та ўсмир қизлардан 93,2 фоизи профилактик тиббий кўрикдан ўтказилган. 48,6 фоизида турли хилдаги сурункали касалликлари аниқланган. Аниқланган касалликлар ичида 11,2 фоизини гинекологик касалликлар ташкил қилса 88,8 фоизини экстрагенитал касалликлар ташкил қилмоқда. Айрим туман ва шаҳарларда ўсмир қизларга гинекологик хизмат кўрсатишга етарлича эътибор берилмаяпти. Масалан: Самарқанд вилоятининг Челак тумани Республика прокуратураси текшируви пайтида туманда гинеколог врачлар етишмайди деб берилган маълумот изидан бориб ўсмир қизларга кўрсатилаётган тиббий хизмат билан танишилди. Туманда 50980та фертил ёшдаги аёллар бўлиб жами 7,0 бирлик гинеколог ўрни ажратилган ва 7 нафар врач-гинеколог ишламоқда (амалдаги нормативлардан кўп). Лекин бирортаси ҳам ўсмир қизларга хизмат қилиш учун бириктирилмаган. Худди шу туманда ўсмирлар врачи лавозимига ҳам, етарли малакага эга бўлмаган педиатр тайинланган. Бу ҳам етмагандек ўсмирлар врачи туман тиббий чақирув комиссиясига терапевт қилиб киритилган. Демак, йилнинг 5-6 ойи давомида туманда ўсмирлар врачи ҳам ўз вазифасини бажармай келмоқда. Балки шу сабабли ўтган 9 ой мобайнида туманда содир бўлган 2та оналар ўлимининг 1таси (50%) биринчи марта ҳомиладор бўлган онада кузатилган.

Туманларда ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати асосан вилоят ўсмирлар марказлари ва поликлиникалари томонидан кўрсатилаётган амалий ва услубий ёрдамга боғлиқ. Лекин ҳозирги кунда мавжуд бундай марказ ва поликлиникаларнинг кўрсатаётган ёрдами етарлича эмас. Масалан: Тошкент вилояти ўсмирлар ва талабалар маркази иши билан танишилганда туман ва шаҳарларга чиқиш жадвалининг йўқлиги, марказга мурожаат қилаётганлар асосан чақирилувчилар эканлиги, марказда вилоятда истиқомат қилувчи қизларга умуман хизмат кўрсатилмаётганлиги, вилоят туман ва шаҳарларида ҳам қизларга кўрсатилаётган тиббий хизмат тўғрисида умуман маълумот йўқлиги аниқланди. Шу сабабли мазкур ҳайъат йиғилишига тақдим қилинган қизларни профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги жадвалда ҳам Тошкент вилояти қатори бўш қолди. Худди шундай аҳвол Сирдарё вилояти ўсмирлар поликлиникасида ҳам кузатилади. Самарқанд вилоят ўсмирлар ва талаба ёшлар поликлиникасида туман ва шаҳарларга амалий ва услубий ёрдам амалга оширилмоқда, лекин поликлиникага мурожаат қилаётганлар фақат Самарқанд шаҳрида жойлашган ўқув юртлари талабалари бўлиб қолмоқда. Яъни вилоят туман ва шаҳарларидаги ўсмирларга маслаҳат ёрдам кўрсатиш етарлича йўлга қўйилмаган. Худди шундай аҳвол Сирдарё вилоятида ҳам кузатилди. Сурхондарё вилоятида ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий хизматни ташкиллаштириш бироз яхши йўлга қўйилган. Лекин вилоят ўсмирлар поликлиникасига ажратилган бинонинг тақдири тўлиқ ҳал қилинмаганлиги, ҳалигача ижарада эканлиги, таъмирлаш ишларининг тугалланмаганлиги албатта олиб борилаётган ишларга ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.



Вилоят ўсмирлар поликлиникалари, туман ва шаҳар поликлиникаларидаги ўсмирлар хоналарининг асосий вазифаларидан яна бири даволаниш учун қолдирилаётган чақирилувчиларни соғломлаштиришни ташкиллаштиришдан иборатдир. Чақирилувчиларни соғломлаштириш Республика бўйича 2001 йилнинг кузги чақирувигача бўлган даврда 72,8 фоизга бажарилди. Ушбу рақам Навоий вилоятида 18,0 фоизни, Сирдарё вилоятида 41,0 фоизни, Фарғона вилоятида 53,9 фоизни, Самарқанд вилоятида 60,8 фоизни ташкил қилди холос.

17 ёшга тўлган ўсмирларни ҳарбий ҳисобга олиш мақсадида ўтказилган тиббий кўрикдан 59,8 фоизи ҳақиқий ҳарбий хизматга, 7,3 фоизи эса муқобил хизматга лойиқ деб топилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Фарғона вилоятларида нимагадир муқобил хизматга лойиқ деб топилганлар бўлмаган. Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларида касаллиги туфайли вақтинчалик ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилганлар кўпчиликни (27,4-30,1-35,9 фоизни) ташкил қилган бўлса ҳам бирортаси қайта текширувга муҳтож деб топилмаган.

2001 йил баҳорги чақирув мавсумида туман ва шаҳар тиббий чақирув комиссиялари томонидан чақирилувчилар тиббий комиссиядан ўтказилиб, 1746 нафар врач ва 1356 нафар ўрта тиббиёт ходими иштирок этди. Энг кўп чақирилувчилар Фарғона, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган.

Шаҳар ва туман тиббий чақирув комиссиялари томонидан ҳақиқий ҳарбий хизматга лойиқ деб топилганлар Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 475/203 сонли қўшма буйруғига биноан вилоят тиббий чақирув комиссиялари томонидан кўриб чиқилиши лозим. Лекин Самарқанд вилоятида 32,2 фоизи, Қашқадарё вилоятида 39,4 фоизи ва Фарғона вилоятида 42,3 фоизи қайта кўрилган холос. Республика бўйича бу кўрсаткич 60 фоизни ташкил қилган.

Чақирилувчилар орасида ҳақиқий ҳарбий хизматга яроқли деб топилаётганлар сони ошиб бормоқда. Масалан: ушбу рақам 2000 йилнинг кузги чақирув мавсумида 55,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2001 йилнинг баҳорги чақирув мавсумида 60,3 фоизни ташкил қилди.

Ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг саломатлигини мунтазам кузатиб бориш ишлари Хоразм вилоятининг Қўшкўпир, Янгиариқ ва Шовот туманларида, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, Деҳқонобод, У. Юсупов ва Қарши туманларида, Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Улуғнор ва Шаҳрихон туманларида, Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида етарлича йўлга қўйилмаган. Ушбу шаҳар ва туманларда ҳақиқий ҳарбий хизматга яроқли ёшлар сони бор йўғи 33,3 фоиздан 51,1 фоизгинани ташкил қилмоқда. Худди шу сабабларга кўра баҳорги чақирув даврида касаллиги туфайли соғломлаштириш мақсадида ҳақиқий ҳарбий хизматга чиқарилиши кечиктирилганлар сони кўпаймоқда. Жумладан: Хоразм, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида 21,0 фоиздан 25,8 фоизгача кўпайган. Қайта текширувларга юборилаётганлар эса Самарқанд, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида 27,0-36,4 фоизни ташкил қилмоқда.

Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йилдаги 202/520 сонли қўшма буйруғига биноан ҳарбий қисмларга юборилаётган чақирилувчилар ФГДС ва УЗИ текширувидан ўтказилмоқда. Лекин, аксарият туманлардаги мавжуд ФГДС аппаратларининг эскириб кетганлиги, айрим туманлардаги чақирув комиссияларига киритилган эндоскопист, психиатр ва травматолог мутахассисларнинг малакаси пастлиги сурункали ошқозон-ичак яра касаллиги, руҳий бузилишлар ва ясси оёқликлари бор чақирилувчиларнинг ҳарбий қисмларга нотўғри юборилишига сабаб бўлмоқда.

2001 йилда вилоят доимий тиббий чақирув комиссиялари мутахассислари вазирлик аттестация комиссияси томонидан эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги аниқланди. Лекин Республика бўйича 40та мутахассис аттестациядан ўтиш учун келмади. Сирдарё вилоятидан 6 киши, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидан 5 тадан мутахассислар қатнашмади. Демак, жойларда тиббий чақирув комиссиясида ишлаш учун танлаб олинаётган мутахассисларнинг билим ва тажрибасига, малака савиясига етарлича эътибор берилмаяпти деб хулоса қилса бўлади. Шундай бўлсада, бошқармалар раҳбарлари томонидан хатоларга йўл қўйган мутахассисларга нисбатан кўрилаётган чоралар юзакилигича қолмоқда, яъни ҳайфсан ёки огоҳлантиришдан нарига ўтилмаяпти.

Ўсмирлар хизмати ва чақирув комиссиялари иши юзасидан жойларга юборилаётган буйруқлар, фармойиш ва бошқа меъёрий ҳужжатларга жавоблар ўз вақтида бажарилмаяпти. Бажарилганлари ҳам аксарият ҳолларда талаб даражасида эмас, бошқарма бошлиқларининг имзосисиз юборилмоқда.

Азиз ҳамкасблар! Келинг ҳар биримиз ўз ишимизга виждонан ёндошайлик, эртанги соғлом авлоднинг саломатлиги ўзимизга боғлиқ.

***С. ЖУМАБОЕВ,***
***Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўсмирлар ва чақирилувчи ёшлар тиббий чақирув комиссиялари ишини ташкиллаштириш бошқармасининг бошлиғи.***

# ИНФОРМАЦИЯ

## ГЛАВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ПО КОНТРОЛЮ КАЧЕСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ И МЕДИЦИНСКОЙ ТЕХНИКИ МЗ РУз О ЗАБРАКОВАННЫХ, НЕЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ И ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВАХ ПО ПОСТУПИВШИМ ДАННЫМ СЛУЖБ КОНТРОЛЬНО-РАЗРЕШИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ МЗ РУз ЗА VI КВАРТАЛ 2001 ГОДА

### III. СПИСОК ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

| № | Наименование препарата | Серия | Фирма производитель, указанная на этикетке | Страна | Кем забракован | Показатель |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 25. | Раствор Люголя с глицерином 30 мл | 10400 | «Узхимфарм» ОАО | Узбекистан | ГАО «Андижан Дори-дармон» КАЛаб | Кол. содерж., маркировка |
| 26. | Раствор Люголя с глицерином 10 мл | 04102000 | «ЧТМК» ООО г. Москва | Россия | ГАА «Дори-дармон КАЛаб РУз | Кол. содерж., маркировка |
| 27. | Реополиглюкин 200,0 | 119800 | «Биохимик» АО | Россия | ГАО «Наманган Дори-дармон» КАЛаб | Подлинность, маркировка, упаковка |
| 28. | Ретаболил 1,0 д/ин. | А05023А | «Гедеон Рихтер» | Венгрия | ГАО «Наманган» Дори-дармон» КАЛаб | Упаковка, маркировка |
| | | А27148А | «Гедеон Рихтер» | Венгрия | АО «Каракалпак Дари-дармак» КАЛаб | Упаковка, маркировка |
| 29. | Спленин 1% 1х10 д/ин. | 050201 | «Дарница» ХФЗ | Украина | ГАО «Хорезм Дори-дармон» | Описание, маркировка |
| 30. | Супрастин таб. №20 | 75480198 | Ф-«Эгис» | Венгрия | АО «Каракалпак Дари-дармак» КАЛаб | Упаковка, маркировка |
| 31. | Стрептомицин сульфат 1,0 д/ин. | 641098 | «Красфарма» ОАО г. Хабаровск | Россия | АО Каракалпак Дари-дармак» КАЛаб | Описание, упаковка, маркировка |
| 32. | Трихопол 250 мг табл. № 20 | 300100 | «Польфарма SA» | Польша | ГАО «Наманган» Дори-дармон» КАЛаб | Подлинность, упаковка, маркировка |
| | | 541100 | «Польфарма SA» | Польша | ГАО «Наманган Дори-дармон» КАЛаб | Подлинность, упаковка, маркировка |
| 33. | Трихопол табл. 250 мг №10 | 300100 | «Польфарма SA» | Польша | ГАО «Хорезм Дори-дармон» КАЛаб | Кол. содерж. |
| | | 140898 | «Польфарма SA» | Польша | ЛККиСЛС г. Ташкент | Средний вес, растворимость, маркировка не соотв. НТД |
| | | 310100 | «Польфарма SA» | Польша | ГАО «Хорезм Дори-дармон» КАЛаб | Маркировка, описание |
| 34. | Шиповник пакеты №10 | 03012001 | МП «Мехригие» | Узбекистан | ГАО «Кашкадарья Дори-дармон» КАЛаб | Упаковка, маркировка, средний вес |

**В отношении указанных лекарственных средств срочно изъять из аптечной сети и лечебно-профилактических учреждений следующие фальсифицированные лекарственные средства и принять меры в соответствии с приказом МЗ РУз № 163 от 15.03.99 г. и «Временной инструкцией о порядке уничтожения непригодных к применению лекарственных средств и изделий медицинского назначения».**

**Начальник Главного Управления по контролю качества лекарственных средств и мед. техники А. Н. ЮНУСХОДЖАЕВ;**
**начальник Фарминспекции Д. Г. НАСЫРОВА.**

**(Начало в №№ 1, 2).**

# ЧТО ТАКОЕ ПРИНУДИТЕЛЬНЫЙ ТРУД, И ДОПУСКАЕТСЯ ЛИ ОН ДЕЙСТВУЮЩИМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВОМ

**КОНСУЛЬТАЦИЯ ЮРИСТА**

Еще недавно за уклонение от трудоустройства трудоспособного человека можно было привлечь к административной и даже уголовной ответственности.

Практиковавшееся в условиях административно-командной системы принуждение работника к труду не согласовывалось со становлением рыночных отношений, не соответствовало требованиям международно-правовых норм. В отличие от Конституции 1978 года, в Конституции Республики Узбекистан 1992 года не предусмотрена всеобщая обязанность трудиться.

Запрещение принудительного труда, закрепленное частью второй ст. 37 Конституции Республики Узбекистан 1992 года, нашло свое отражение в целом ряде важнейших законодательных актов, таких, как законы РУз «О собственности» и «О занятости населения». Предусмотрено, что каждый обладает исключительным правом распоряжаться своей способностью к труду. Добровольная незанятость не может служить основанием для привлечения к административной или уголовной ответственности.

Именно поэтому Трудовой кодекс Республики Узбекистан исходит из недопустимости принуждения работника к труду. Согласно части первой ст. 7 Трудового кодекса, принудительный труд, то есть принуждение к выполнению работы под угрозой применения какого-либо наказания (в том числе в качестве средства поддержания трудовой дисциплины), запрещается и преследуется по закону. Так, ст. 51 Кодекса об административной ответственности РУз за административное принуждение к труду в какой-либо форме, за исключением случаев, предусмотренных законодательством, предусматривает наложение штрафа от одного до трех минимальных размеров заработной платы. В части второй ст. 7 Трудового кодекса РУз приведен исчерпывающий перечень исключений из правила о запрещении принудительного труда. Так, не считается принудительным трудом работа, выполнение которой требуется:

- на основании законодательных актов о военной или альтернативной службе;
- в условиях чрезвычайного положения;
- вследствие вступившего в законную силу приговора суда;
- а также в иных случаях, предусмотренных законом.

Таким образом, в настоящее время, независимо от того, какое нарушение трудовых обязанностей допустил работник, работодатель не вправе за это в порядке дисциплинарного взыскания перевести его на другую работу.

Конституционное положение о недопустимости принуждения к труду получило свое закрепление и развитие в законодательстве. Именно поэтому Закон РУз «Об образовании» не предусматривает принудительный порядок распределения выпускников учебных заведений. А направление на работу лиц, закончивших высшие и другие учебные заведения, не допускается. Сказанное вовсе не исключает широко применяемого в настоящее время трудоустройства с согласия выпускников высших учебных заведений, академических лицеев и профессиональных колледжей.

***Главный юрисконсульт Минздрава РУз И. П. ДУДУКИНА.***

**БЛАГОДАРНОСТЬ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

**Приносим искреннюю благодарность за профессионализм и чуткое внимание к Садыковой В.С. зав. реанимационным отделением Арифу Нигматовичу Ахматжанову, анестезиологу Коновой Лолите Эдуардовне, а также мед. персоналу – Гордееву Андрею Валентиновичу, Жанне, Олесе.**

**Дети пациентки Сейран и Севинч.**

**Тавсиянома**

## ГРИППДАН САҚЛАНИНГ!

Грипп юқумли касаллик бўлиб, бемордан соғлом кишига йўталганда, аксирганда, сўзлашганда сўлак заррачалари орқали юқади.

## ГРИПП АЛОМАТЛАРИ

Касаллик тўсатдан бошланади. Эт увишиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош ва мускуллар оғриғи, умумий ҳолсизлик рўй беради. Бунда беморни уйга ётқизиб врач чақириш лозим.

## ГРИПП АЙНИҚСА ЁШ БОЛАЛАР УЧУН ХАВФЛИ

Соғлом болаларни грипп билан оғриган беморга яқинлаштирманг. Болада гриппнинг дастлабки белгилари сезилса уларни боғча, мактабларга юборманг. Грипп билан оғриб қолган она болани эмизганда ва парвариш қилганда оғиз-бурнига дока ниқоб тақиб олиши лозим.

## ГРИППНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

– хоналарни тез-тез шамоллатинг;
– полни хлорли сув билан артиб туринг;
– қўлингизни тез-тез совунлаб ювинг;
– беморни парвариш қилаётганда 4 қаватли докадан тайёрланган ниқоб тақиб олинг;
– наъматак дамламаси, лимонли, малинали чойларни истеъмол қилиб туринг;
– тез-тез исириқ тутатиб туринг.

## УНУТМАНГ!

Грипп асоратлари билан хавфлидир.



## ФИДОКОР БЎЛИНГ

*Шифокорлик бизга қутлуғ хизматдир,*
*У шунчаки касб эмасдир, санъатдир.*
*Шифокорий – фидокорлик деб билинг,*
*Шукр, бизга жонфидолик қисматдир.*

*Беморларга малҳамдир ҳар сўзимиз,*
*Дилда меҳр, кулиб турар кўзимиз,*
*Дардларига даво топса дардмандлар*
*Улардан кўп қувонамиз ўзимиз.*

*Ватанимиз мустақиллик чамани,*
*Ибн Сино, ар-Розийлар Ватани.*
*Шу юрт учун хизматга шай фарзандлар*
*Соғлом бўлсин, руҳи, ақли ва тани.*

*Касбдошларим омон бўлинг, бор бўлинг*
*Элга камарбаста, мададкор бўлинг,*
*Сиздан меҳру шафқат нури таралсин,*
*Чин шифокор, яъни фидокор бўлинг.*

**Фарҳод НИҒМАТОВ,**
**Ангрен шаҳар, марказий шифохонаси шифокори.**

**Шеърият**

## СОҒЛОМ БОЛАЖОН

*Сен Темур наслисан, Широқ наслисан,*
*Боболаринг қони жўш урар ҳамон.*
*Сен ўзбек элининг янги асрисан,*
*Юртим келажаги – соғлом болажон.*

*Сино тиббиёти сенинг қўлингда,*
*Сенинг номинг билан бонг урар жаҳон.*
*Сен қадим миллатнинг янги фаслисан,*
*Юртим келажаги – соғлом болажон.*

*Боболаринг дейди: сен яйра, сен кул,*
*Дунёда яшаб ўт фаровон, омон.*
*Бутун дунё севган азиз одам бўл,*
*Юртнинг келажаги – соғлом болажон.*

**Раъно ҚУРБОНОВА,**
**Сирдарё вилояти, Боёвут тумани.**

## КЎРКАМЛИККА ОИД ДОРИВОР ГИЁҲЛАР

**ТУРП** – асал билан аралаштириб суртилса кўз остидаги қонталаш изларни йўқотади.

**АЛОЙ** – эски яраларни битказади. Шароб билан алой шарбатини аралаштириб сочга суртилса унинг тўкилишини қолдиради.

**ТЎТИЁ** – оғиз ҳидларини ҳамда қўлтиқ тагидаги ёмон ҳидларни кетказиб, хушбўй ҳид таратади.

**АНЖИР** – хомини шунингдек баргини хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига суртса кетади. Мевасидан ейилса касалликдан синиққан рангни очади, ҳамда чипқонни тез пиширади. Айниқса анжирсимон ўсмаларни унинг баргидан олинган сути кетказади.

**ТОЛ** – ёғочининг кулини сирка билан қўшиб сўгалга суртилса кўчади. Мажнунтол ёғочининг кули кучли воситадир.

**ТИББИЙ ЎГИТЛАР**

## *Бундай қараганда беозорга ўхшайди*



**Бундай қараганда, зирак тақиш беозор бир ишга ўхшайди. Кулокнинг юмшоқ жойини тешасиз-у, янги зиракни тақиб оласиз. Аслида бу иш унчалар жўн эмас экан. Ўша биз зирак тақадиган юмшоқ жойда кўз, тиш, тил, юз мускуллари, қулоқ билан боғлиқ бўлган 11та нуқта мавжуд экан. Агар озгина эҳтиётсизлик қилиб, қулоқ тешаётганда ана шу нуқталарни бирини, айтайлик, тиш нуқтасини жароҳатлаб қўйишимиз, натижада тиш оғриғи келиб чиқиши мумкин. Бунинг устига агар зирак банди нодир металлдан ишланган бўлса, оғриқ узоқ вақт чўзилади. Тишдан кейин кўз оғриб, кўриш қобилияти сусайиши мумкин. Олмониянинг айрим шифокорлари зирак тақишни ҳар қандай ҳолда ҳам зарари бор деб ҳисоблайдилар.**

**Сўраган экансиз**

## *ИНСОНГА МЕҲР ТАБИАТАН БЕРИЛАДИМИ ЁКИ У ҲАЁТ ДАВОМИДА ШАКЛЛАНАДИМИ?*

Оилада бир нечта фарзанд бўлиши мумкин ва уларнинг ота-онасига ва бир-бирига нисбатан, қолаверса ўзга кишиларга нисбатан меҳр ҳисларининг ифодаланиши турлича бўлади. Буни ҳар бир ота-она тасдиқлаши мумкин. Шунинг учун оилада болаларнинг ўсаётган, тарбия олаётган муҳити, ота-онаси, уларнинг муносабати бир хил бўлса-да, лекин улардаги меҳрнинг ифодаланиши, унинг шаклланиши, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, унинг асоси бир-биридан кескин фарқ қилиши кузатилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, меҳр фақатгина ҳаёт давомида шаклланмасдан, меҳрнинг асоси кўп жиҳатдан наслга боғлиқдир. Меҳр кўп жиҳатдан болага табиатан, яъни биологик, туғма берилади. Лекин шу туғма, биологик берилган меҳрни ҳаёт давомида шаклланиши ва ифодаланиш формалари, ундан ўзгаларга наф тегиши, унинг меҳридан ўзгаларнинг баҳраманд бўлиши кўп жиҳатдан оиладаги муҳитга, яъни шу шахснинг шаклланаётган микроижтимоий муҳитига боғлиқ бўлади. Шунинг учун бу саволга жавоб берар эканмиз, авваламбор меҳрнинг асосини, биологик, туғма омил ташкил этадиган бўлса, бу туғма берилган меҳрнинг ифодаланиши ва унинг ташқи ифодаланиш малакаларининг шакллантирилиши кўп жиҳатдан оилага, ота-онага, оиладаги муҳитга, улар ўртасидаги муносабатларга, уларнинг маданий, ахлоқий, маънавий савиясига боғлиқ бўлади.

## *НИМА УЧУН АЙРИМЛАР МЕҲРНИ ИФОДАЛАШНИ БИЛМАЙДИ?*

Меҳрни ифодалашни билмаслик кўп жиҳатдан шу шахснинг вояга етган, шахс сифатида шаклланган микроижтимоий муҳитга боғлиқ бўлади. Бу муҳитнинг асосини оила ташкил этади. Оилада, ота-она орасида меҳрни бирбирига ифодаламаслиги, меҳрни ифодалаш малакаларининг ота-оналарида, ака-укаларида шаклланмаганлиги шу оилада ўсаётган болани меҳрни ифодалаш малакаларининг шаклланмаслигига олиб келади. Сўзсиз бола фақатгина оила биланмас, балки ўзга референт гуруҳлар давраси – қариндошлари, мактаб, адабиёт, санъат, кино ва ўзга омиллардан ҳам олиши мумкин. Ва оилада етишмаган малакаларни ўзга омиллар орқали шакллантириши мумкин. Лекин шу билан биргаликда унинг асоси кўп жиҳатдан оилада шаклланади. Шунинг учун меҳрни шакллантирувчи энг асосий омил оила ҳисобланади.

**«1001 саволга психологнинг 1001 жавоби» китобидан олинди.**

**Билиб қўйган яхши**

## ФАЗИЛАТЛАР ҲАҚИДА

1. Одамда фазилат кўпайган сари унга бахт эшиклари бирма-бир очилаверади.
2. Тўғри сўз, сахий ва мулойим одамларнинг ўзлари бадавлат бўлмасалар ҳам мартабалари улуғдир.
3. Фазилат садоқатли қишиларга ёпишади, ёлғончилардан эса қочади. Нафс балосидан қутилиш йўли битта – сахий бўлиш.
4. Кўшнингизга хотиржамлик ва бойлик, бахт-саодат тиласангиз ўзингизга қайтади.
5. Қалби тоза одамларнинг уст-боши ҳам тоза бўлади, аммо уст-боши тоза бўлган ҳамманинг ҳам қалби тоза бўлавермайди.
6. Дўст-дўстга ёрдамини қарз деб бермагани, дўст-дўстдан қарз деб пул олмагани маъқул. Иккала ҳолда ҳам дўстлик иплари таранглашади.
7. Дўстингизга амал тиламанг – ундан ажралазсиз. Мартаба тиланг – уни сақлайсиз.

## ТУШЛАР ТАЪБИРИ

**Одам танаси.** Агар танасини озғин ва ингичка кўрса, камбағаллик ва ишларига тўсиқ етишига далилдир. Семиз тана эса бадавлатлик ва ишларнинг юришиб кетишига далилдир.

**Момақалдироқ.** Олисдан гулдираб эшитилса – огоҳлантириш, ўзгариш, кучли бўлса – орзуларнинг ушалиши, момақалдироқ – кутилмаган ва тез қўлга кирадиган омад, тақдирдаги бирон ўзгариш белгиси.

**Боғ.** Дониёл алайҳис-салом айтади: «Боғда турганини ва баланд дарахт мевалари унинг устига тушаётганини кўрса, азиз бир киши билан хусуматлашади ва ундан ғолиб келади. Боғда дарахт устида ухлаётганини кўрса, унинг насл ва фарзандлари кўпаяди».

*Ўқинг, қизиқ*

## ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН

Табобатга оид китобларда ёзилишича, бадан саломатлигини сақлаш учун икки кунда уч марта таом емоқ керак. Биринчи куни эрталаб ва кечқурун овқатланасиз. Иккинчи куни эса қуёш тиккага келганда овқатланасиз. Шундай қилинса, киши мижози ҳамиша соғлом бўлади.

* * *

Коменский дейди: «Дарахт шамолсиз, ёмғирсиз, иссиқ ва совуқсиз кўкараолмайди. Шулар бўлмаса бориб-бориб қуриб қолади. Худди шунингдек, инсон танасига ҳам ҳар хил ҳаракат ва жиддий машқлар зарур».

## *УЛЫБНИТЕСЬ*

Дама пожаловалась одному рассеяному ученому, что у нее нет детей.

– Может быть, это наследственное, – сказал ученый. – Скажите, у вашей матери были дети?

* * *

Посреди ночи больной из мужского отделения звонит дежурной медсестре:

– Сестра, у меня ужасная бессонница! Вы не узнаете, может быть, и в женском отделении кто-нибудь не может заснуть?

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»
«Здравоохранение Узбекистана»
Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: С. ОРИПОВ профессор.
Ижрочи муҳаррир: И. СОАТОВА.
Таҳрир ҳайъати: Т. ФАЙЗУЛЛАЕВ (муҳаррир ўринбосари), С. ФРОЛОВА.

Манзилгоҳимиз: 700060, Тошкент, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават
Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида рўйхатга олинган, гувоҳномаси № 00504.
Умумий адади 10.000 нусха
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.
Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Заказ Г-20.

Рўзнома «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган. Рўзнома IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Реклама ва эълонлардаги маълумотларнинг мазмуни ва ҳаққонийлиги учун реклама берувчилар жавоб берадилар.
Саҳифаловчи: Анна ХОХЛОВА.